

**“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК  
Фаргона вилоят худудий  
бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 26 октябрь кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бувайда тумани Яшнаробод МФЙ Анхор кўчаси худудида яшовчи аҳолини оқава сувтармоғини яхшилаш ва оқава сув тармоғига улаш учун қуйидагиларни бажариш тавсия этилади.

### **Оқава сув бўйича**

Бувайд тумани Яшнаробод МФЙ Анхор кўчаси худуди аҳолисини оқава сув тизимини яхшилаш ва мавжуд 15 дона куп қаватли йуларни оқава сув тармоғига улаш учун

**уланиш нуктаси 1.** Яшнаробод МФЙ Анхор кўчаси худудидан ўтган мавжуд материали полиэтилен, чуқурлиги 2,5 м, Д 500 ммли оқава сув тармоғига 1.5 км оқава сув тармоғи тортилсин.

**Уланиш нуктаси 2.** Яшнаробод МФЙ Анхор кўчаси худудидаги мавжуд сув кудуғи (калодец)га 1.2 км оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Бувайда тумани бўлими Бошлиғи:**

**Бош муҳандиси:**

**ИЧБ муҳандиси:**



**С.Дехқонов**

**Н.Оқбоев**

**О.Омонов**